O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING

# Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020-yil «30» декабр Қ-2030-son Qumqo'rg'on t.

**Тумандаги "BOBOTOG' FAYZLI NIHOLLARI" номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 декабрдаги 56-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 26 декабрдаги 56-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Мухиддинов Отабек бошлиқ "BOBOTOG' FAYZLI NIHOLLARI" номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда "Ш.Мирзаев" массиви "Арпапоя" маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 435қ-дала контурда жойлашган жами ер майдони 6,95 гектар, шундан 5,70 гектар боғ, 0,10 гектар арик, 0,20 гектар йўл, 0,95 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз ҳохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “BOBOTOG' FAYZLI NIHOLLARI” номли боғдорчиликка номли балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMLIGI * DEVONXONA

**Туман ҳокими** **Р.Гаппаров**

TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR

**Қумқўрғон туман ҳокими**
**Р.Б.Гаппаровга**

**Туманидаги “Боймоқли” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Мухиддинов Отабек томонидан**

**А Р И З А**

Аризани ёзишимдан мақсад, менга Ш.Мирзаев массиви худудидан туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонидан боғдорчилик йўналиши бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этишимга рухсат беришингизни сўрайман.

| | |
|---|---|
| SAHIFALAR SONI | |
| KIRISH № | 2713/01-41. |
| SANASI | 24.12.2020. |

**Мухиддинов Отабек**

23.12.2020 йил

93-799-55-55